

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 11 сентябрь • № 35 (654)

ЭЗГУЛИКНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ УЗИЛМАС РИШТАЛАРИ



Жорий йилнинг 9 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида халқимиз саломатлиги йўлида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Оперейшн Смайл» халқаро болалар хайрия жамоат ташкилотининг Сингапур бўлими ўртасида яна бир максалди ҳамкорлик учун битим имзоланди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг уринбосари Асомиддин Камиллов кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизимида олиб борилаётган фаолиятлар ҳусусида тўхталиб, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган самарали ишларга ургу бериб ўтди. Шунингдек, тизимда халқаро ҳамкорлик фаолиятларининг ҳам кенг йўлга қўйилганлиги ва бу борада ижобий натижалар ўз ифодасини топаётганлигини таъкидлади. «Оперейшн Смайл» халқаро болалар хайрия жамоат ташкилотининг Сингапур бўлими бошқарув раиси Гари Ло икки давлат ўртасида тузилган бундай ҳамкорлик эзгу ишлар давом этиши ва соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашувлари аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим амал бўлишини эътироф этди. Мазкур имзоланган битим мамлакатимизда истиқомат қилаётган юз-жағ соҳаси (туғма лаб, танглай кемтиги)да нуқсон бор болаларни пластик операция йўли билан даволашга қаратилган. Ушбу ҳамкорлик юзасидан 10-15 сен-

тябрь кунлари Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиникасида 70 нафарга яқин бемор болаларда операция жараёнлари олиб борилади. Унда Сингапур давлатидан ташриф буюрган 30 нафар соғлиқни сақлаш ходимлари ва техник мутахассислар, шунингдек, юртимиздаги тиббиёт ходимлари биргаликда фаолиятини амалга оширадilar. Таъкидлаш жоизки, акцияда иштирок этаётган болалар асосан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан иборатдир. Таъкидлаш муҳимки, «Оперейшн Смайл» халқаро болалар хайрия жамоат ташкилоти 1982 йилда ташкил этилган бўлиб, жаҳонда туғма лаб-танглайда нуқсон бор болаларни операция йўли билан даволаш, уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишни ўз олдида мақсад қилган. Унинг бош ваколатдонаси АҚШнинг Виржиния штатида жойлашган бўлиб, дунёнинг 51 та давлатида бўлимлари мавжуд. Мазкур хайрия жамоат ташкилоти шу кунга қадар ер юзидаги 120 минг нафардан ортиқ бемор болаларга беғараз ёрдам кўрсатган.

Ҳамкорларнинг эзгулик билан бошлаган операция жараёнлари

ҳусусида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиникасининг пластик хирургия бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Мурод Жафаров шундай дейди:

— Ушбу битим бўйича жорий йилнинг май ойида икки давлат тиббиёт ходимлари ўртасида музокара олиб борилиб, уларнинг ташрифи сентябрь ойига мўлжалланган эди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Оперейшн Смайл» халқаро болалар хайрия жамоат ташкилотининг Сингапур бўлими ўртасида битим имзоланиб, операция жараёнлари бошлаб юборилди. Илк бор ўтказилган операциялар муваффақиятли даражада олиб борилиди. Ундан кейинги, яъни 4 кун давомида олиб бориладиган операцияларга ҳам катта тайёргарлик қўрилган. Бу борада мутахассисларимиз ҳам Австрия, Германия ва бошқа бир қанча давлатларнинг нуфузли анжуманларида маърузалари билан иштирок этишган ҳамда амалга оширилаётган операциялар бўйича ўз билми ва тажрибаларига эга. Эндиликда ҳамкорларимиз билан тажриба алмашиш фаолиятларини кенг йўлга қўйган ҳолда ишларимизни узвий давом эттирамиз.

Ҳа, болаларимиз саломатлиги йўлида олиб борилаётган ана шундай хайрий ишлар ўз натижасини бериб, ҳамкорликдаги фаолиятлар янада кенгайиб бораверади.

Ибодат СОАТОВА.

Дил изҳори

ОИЛАЛАРГА ҚЎВОНЧ БАХШ ЭТИБ

Кейинги йилларда республика тиббиёт тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш йўлида ижобий ишлар олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз десак, янглишмаймиз. Айниқса, давлатимиз томонидан соғлом онадан соғлом фарзанднинг дунёга келишида яратилаётган шароит ва имкониятлар бизни ниҳоятда қувонтирмоқда. Республика ихтисослашган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика она-бола скрининг, Перинатал, Репродуктив саломатлик марказлари ва унинг филиаллари ҳамда туғруқ мажмуаларининг замон талаблари даражасида бунёд этилаётганлиги ва малакали кадрлар, шунингдек, янги технологиялар билан жиҳозланаётганлиги, ҳомилдор аёлларнинг соғ-саломат фарзандларини дунёга келтиришида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ана шундай она бўлиш бахтига мен ҳам муяссар бўлдим. Фарзандим дунёга келгунича юқорида тилга олган тиббиёт муассасалари назоратида эдим. Шу боис, малакали тиббиёт ходимларининг берган тавсия ва маслаҳатлари асосида фарзандим соғлом туғилди. У дунёга келаётган дақиқалардан ўзининг ширин сўзи ва меҳрибонлигини аямаган Тошкент шаҳар Перинатал маркази 1-туғруқ бўлими бошлиғи, акушер-гинеколог Гулшан Мамадалиева ва у кишининг аҳил жамоасига ушбу сеvimли газетам орқали ўз миннатдорчилигини билдираман. Уларнинг савобли ишларига омад ҳамда ҳар бир оиллага янада қувонч бахш этишларини тилаб қоламан.

Фотима МИРСАГАТОВА,
Тошкент шаҳри.

Благодарность

От чистого сердца

Здоровое сердце — это самое важное в жизни каждого человека, и случись с ним что-то неладное, мы, не раздумывая, обращаемся к специалистам, готовым помочь нам в любую минуту.

Недавно, почувствовав недомогание, я обратилась в Республиканский специализированный центр кардиологии, где получила своевременное качественное лечение. Недаром говорится, что ответственный подход к делу и сопереживание врача к своему пациенту оказывают огромное влияние на излечение больного. Именно эту доброту, искреннее отношение к пациенту, желание помочь ему я и увидела в деятельности заведующей Б. Каримовой, руководителя отдела артериальной гипертензии М. Елисеевой и лечащего врача Ф. Закировой. Наблюдая за их работой, общением с пациентами, грамотному подходу к своему делу, я очень обрадовалась, что у нас в республике трудятся такие прекрасные врачи.

Пользуясь случаем, я бы хотела поблагодарить весь персонал Республиканского специализированного центра кардиологии, всех врачей и медицинских сестер. Желаю им крепкого здоровья, успехов в работе и все самого наилучшего.

Р. МАМЕДОВА,
г. Ташкент.

УШБУ СОНДА:

ФАОЛИЯТНИНГ БОШ МЕЗОНИ:

2-бет

БУ ИЖРО ИНТИЗОМИДИР

ЛУЧ СВЕТА В

3-я стр.

ПОДАРОК ГЛАЗАМ

КЕЛГУСИ СОНДА:

БУ СИЗ УЧУН

БАХТЛИ ОНЛАР

РЕВМАТОИД АРТРИТ

Назорат ва таҳлил

ФАОЛИЯТИНГ БОШ МЕЗОНИ: БУ ИЖРО ИНТИЗОМИДИР

Давлатимизнинг тиббиёт тизимига бўлган эътибор ва ғамхўрлиги туфайли кейинги йилларда соҳада катта ўзгаришлар кузатишмоқда. Айниқса, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб, айрим тиббиёт муассасалари янгидан бунёд этилган бўлса, қолганлари эса қайта таъмирдан чиқарилиб, улар малакали кадрлар ҳамда янги технологиялар билан таъминланмоқда. Шунингдек, даволанувчилар учун ҳам кенг имконият ва шaroитлар яратилган. Таъкидлаш жоизки, тиббиётимизнинг бугунги раънақи ўз касбининг фидойилари бўлган мутахассисларнинг астойдил меҳнати туфайли юзага келаятганлиги шубҳасиз. Демак, қўндалик фаолиятда талаб ва фаоллик бўлар экан, ўша ерда соғлом муҳит билан бир қаторда ишнинг самараси яққол кўзга ташланади. Шу боис бўлса керак, бугунги кўнда тиббиётимиз жаҳон стандартлари асосида ўз макенига эга бўлмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар тўғрисида эътирофли фикрларни давом эттириш мумкин. Лекин бунинг баробарида тизимда ўзига хос камчилик ва муаммолар ҳам учраб туради. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустахкамлаш чоралари тўғрисида"ги 12-сонли қарори талабларининг даволаш-профилактика муассасаларида бажарилиши бўйича республикамизнинг айрим тиббиёт муассасаларида қуйдагича назорат ва таҳлил ишлари олиб борилди.

2009 йилнинг 5 августда Вазирлар Маҳкамасида давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли "Ижро интизомини мустахкамлаш чоралари тўғрисида"ги қарори талабларининг ижроси юзасидан селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу селектор йиғилиши баёнида (2009 йилнинг 5 августда 02-113-сонли ҳамда 2009 йил 10 августдаги 13-5-3-сонли) ва тасдиқланган Назорат режасида, вилоят, туман ва шаҳарлардаги айрим раҳбарлар томонидан келиб тушган ҳужжатларга муҳим ёки тушунарсиз резолюция қўйиш, ушбу ҳужжатларга ўз қарорларини сабабсиз равишда узоқ муддатда кеч чиқариш ва ишлаб чиқилган қарорларни жойлардаги ижрочиларга оилаб кечикчиб етказиш ҳолатлари учраганилиги қайд этилган. Бунда жойлардаги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ҳамда аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида таъминламаслиги, аҳолининг ижтимоий муаммолари ўз вақтида ҳал этилиши бажарилмаганлиги сабабли, фуқаролар норозилигига, уларнинг давлат ва ҳокимлик органларига мурожаатлари қўйилишига олиб келаятганлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқоридаги ҳужжатлар ижросини бажариш мақсадида, жорий йилнинг июль-август ойларида вазирликнинг ишчи гуруҳи томонидан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Республика онкология илмий маркази ва Тошкент шаҳрининг айрим оилавий поликлиникаларида ижро интизومини ўрганилганда, қуйдаги камчиликлар аниқланди: Қашқадарё вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2008 йилга мўлжалланган асосий тадбирлар режасидаги (ҳайъат йиғилиши) 38 та қўрилиш лозим бўлган масалалардан 7 таси, 2009 йилнинг текширув кўнига қадар режалаштирилган 18 та масаланинг 9 таси ҳеч қандай сабабларсиз қўриб чиқилмаган. Бу бўйича ҳайъат йиғилиши раисининг ёзма қўрсатмалари мавжуд эмас. Бошқармада 2009 йил 5 ой мобайнидаги ҳайъат йиғилишларининг мажлис баёнлари йўқ, шунингдек, қарорларнинг туманларга юборилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд эмас. Бундай ҳолатлар, албатта, ҳайъат қарорларининг ижросиз қолиб кетишига олиб келади. Вилоятнинг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий кенгашлар режа асосида ўтказилмайдиган, юқори ташкилотлардан келган ҳайъат қарорлари жамланмаган ва бажаришга ишлар тўғрисидаги маълумот ўрнатилган тартибда вилоят ва туман даволаш-профилактика муассасаларида юборилмайдиган. Масалан: Қашми туман

тиббиёт бирлашмасида 2009 йилнинг июль ойига қадар 19 та масаладан 7 таси қўриб чиқилмаган, Ғузор туман тиббиёт бирлашмасида 2008-2009 йилнинг тиббий кенгаш бўйича ҳужжатлари текширув жараёнида талаб қилинишига қарамай, тақдим этилмади. Таъкидлаш жоизки, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ҳужжатлар устидан ишлаш ва назорат қилиш ишлари талабга жавоб бермайди. Бошқармага келиб тушган ҳужжатларнинг айримларида раҳбар резолюцияси мавжуд эмас. Бунга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 10 июлдаги 254-сонли "Замонавий ангионеврологиянинг долзарб муаммолари мавзусида" илмий-амалий конференция ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ҳамда вазирликнинг 2008 йил 30 январдаги 40-сонли "Ташкилий-бошқарув ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи мисол бўла олади. Шунингдек, юқори ташкилотлардан тушаётган ҳужжатларнинг назорат қарточка нусхалари назорат инспекциясига берилиши лозим. Лекин вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳужжатлар ҳақидаги маълумотномалар ўз вақтида бериб турилмаган, бу эса назорат ишларининг сустилишига олиб келган. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 22 августдаги 6/17-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қaratилган фармон ва талаблари ижросини ўрганиш тўғрисида"ги ҳайъат қарори бўйича бошқармада 2008 йилнинг декабр ойида 581-буйруқ тайёрланган. Мазкур ҳайъат қарори ижро интизومي талабларини мустахкамлаш тўғрисида бўлишига қарамай, 4 ойдан сўнг ҳужжат ижроси таъминланган. Лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъат қарорининг ижроси бажарилмаган. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 5 февралдаги 30-сонли "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисидаги буйруғининг ижроси бўйича Қашқадарё вилояти Қашми туманида мониторинг олиб борилмаган, маълумотлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига тақдим этилмаган. Мавжуд камчиликлар билан бир қаторда, айрим юқори ташкилотлардан келган ҳужжатлар ижроси тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 11 декабрдаги "Хизмат доирасидан фойдаланиш учун" грифли "Маълум чегарада юритиладиган махсус маълумотлар киритилган ҳужжатлар ва нашрларни ҳисобга олиш устида ишлаш ва сақлаш тўғрисида"ги 554-сонли буйруғи бошқармага 2007 йилнинг январь ойида рўйхатдан ўтказилган бўлиб, унинг ижроси бўйича бошқарманинг буйруғи 1 йил ўтгандан сўнг, яъни 2008 йилнинг 27 январидан тайёрланган. Шунингдек, Республика онкология илмий марказида ҳам ушбу буйруқнинг ижроси бажарилмаган. Шу билан бирга марказда Соғлиқни

сақлаш вазирлигининг 2008 йил 25 мартдаги 121-сонли "Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги буйруқнинг ижросини таъминлаш бўйича ички буйруқ ишлаб чиқилмаган, қачонки юқори ташкилотлардан келган ҳужжатларга 3 кун муддат ичда буйруқ тайёрланиб ижроси таъминланиши зарур эди.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 12 ноябрдаги 509-сонли "Тиббиёт муассасалари бош врачлари ва уларнинг ўринбосарларини менежмент курсларида ўқитиш тўғрисида"ги буйруғи бошқармага 2007 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилган бўлиб, ҳужжат ижроси бўйича бошқарма томонидан 3 ойдан сўнг 2008 йил 25 февралда буйруқ тайёрланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 12-сонли "Ижро интизомини мустахкамлаш чоралари тўғрисида"ги қарорининг талабларига эид равишда Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Республика онкология илмий марказида назорат қарточкалари тўлиқ юритилмаган, ижрочининг ҳужжати олган вақти, бажариш муддати ва бажарилганлиги ҳақида маълумотлар тўлдирилмаган. Бошқармага келган айрим ҳужжатларга кириш штамп и ва сана қўйилмаган, шунингдек, бошқармада ҳужжатлар номенклатураси, иш юритиш йўриқномаси ишлаб чиқилмаган. Бошқарма ходимларининг лавозим вазифалари умуман талабга жавоб бермайди, ходимларнинг жавобгарлиги, мажбуриятлари ёритилмаган. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 53-, 30-оилавий поликлиникаларда ва Қашми тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам ижро интизомининг талаблари тўлиқ бажарилмаган. Раҳбарият томонидан назорат ишлари ўрнатилмаган. Ҳужжатларни рўйхатга олиш ва жўнатиш тартиблари талабга жавоб бермайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида ҳужжатлар билан ишлашни яхшилаш, улар устидан назоратни қўнатириш, муассасаларда ишлатилаётган муҳр, штамп ва бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва ишлаш бўйича назоратни қўнатириш мақсадида вазирликнинг 2006 йил 29 декабрдаги 590-сонли буйруғи ишлаб чиқилган ва "Муҳр, штамп ва бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва ишлаш ҳақида"ги Низомига эид равишда, Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида ушбу буйруқнинг ижроси бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги, бошқармада тайёрланаётган барча хат ва буйруқлар компьютердан чиқарилиб келаятганлиги, яъни махсус бланкалар ишлаб чиқилмаганлиги ва бланкалар рўйхатга олинмаганлиги аниқланди. Бошқармадаги бирорта буйруқ адлия маслаҳатчиси томонидан имзоланмаган, жавобгар шахслар билан келишилмаган. Яна қайд этиб ўтиш кераки, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун талаблари Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида бажарилаётганлиги аниқланди. Жумладан ушбу қонуннинг ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 6 июндаги 250-сонли буйруғи ва 2009 йил 6 июндаги 18-Х-70-сонли хати бошқармада рўйхатдан ўтказилмаган ва ижроси таъминланмаган, натижада туман

тиббиёт бирлашмаларида хат ва шикоятлар таҳлили олиб борилмаган. Шу билан бирга, Қашми туман тиббиёт бирлашмасида раҳбарларнинг фуқароларни қабул қилиш вақти ва кўни ёзилган пешлава мавжуд эмас ҳамда ёзма ва оғзаки хат ва шикоятларни рўйхатга олиш дафтарларининг айрим бандлари (қўрилган чора ва кўрсатилган ёрдам, масъул шахс ҳақида) тўлдирилмаган ҳамда ушбу масалага масъул шахслар буйруқ билан тайинланмаган. Туманга 2009 йилда 3 та шикоят аризаси келиб тушган, аммо уларнинг бирортаси ўрганилмаган ва ҳаёбат хатлари тайёрланмаган. Бу эса фуқароларнинг шикоятлари қўнайишига ҳамда юқори ташкилотларга мурожаат қилишларига олиб келади.

Юқоридаги камчиликлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Фармон ва қарор талаблари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустахкамлаш чоралари тўғрисида"ги 12-сонли қарори ижроси талаблари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг худудий бўлимларида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил июль ойида ўрганилган. Текширув натижалари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 28 августдаги ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиниб, 6/17-сонли қарори билан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу ҳайъат қарори Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят Соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиқларига ҳамда барча даволаш-профилактика муассасаларига ижро учун юборилган.

Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлигида тасдиқланган режага асосан, вазирлик марказий аппарати ходимлари, республика тасарруфидagi даволаш-профилактика муассасаларининг раҳбар ва мутасадди ходимлари учун вазирликда, шунингдек, Нукус шаҳрида ўтказилган сайёр ҳайъат йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг раҳбар ходимлари учун "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустахкамлаш чоралари тўғрисида"ги 12-сонли қарори талабларини бажариш, ҳужжатлар устидан ишлаш ва назорат ишларини олиб бориш, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги" қонунга асосан, хат ва шикоятларни қўриб чиқиш тартиблари бўйича семинар-йиғилишлар ташкил этилди.

2008 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг худудий Назорат инспекцияси ходимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Навоий, Хоразм ва Тошкент вилояти тиббиёт муассасаларида ижро интизومي ўрганилган. Текширув жараёнида аниқланган камчиликлар бўйича маълумотнома тайёрланиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун бошқарма раҳбарларига топширилди. Ушбу маълумотнома бошқарма йиғилишида муҳокама қилиниб, 31 нафар раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан интизомий қарорлар қўрилган.

Юқорида айтиб ўтилган мавжуд камчиликлар биргина тилга олинган мазкур тиббиёт муассасаларида эмас, балки бошқа ташкилотларда ҳам кузатилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Аввало ҳар бир раҳбар ўз ишига масъулият билан ёндошган ҳолда меъёрий ҳужжатлар ижросига эътибор қаратиб, фаолиятлари талаб даражасида олиб борсагина, ижро интизомининг интихоси нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканлигини ифода эта олади. Бунинг учун мутасадди раҳбарлар ишларини тўғри ва ҳолисона олиб борсаларгина, қўзланган мақсадлар ўз ечимини топади.

Дилфуза КАМИЛОВА,

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорат инспекциясининг етакчи назоратчи-ҳуқуқшуноси.

Обуна – 2010

Ҳурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2010 йил учун обуна мавсуми бошланди.

Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни итисангиз сезимли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.



Медицинские учреждения страны

ЛУЧ СВЕТА В ПОДАРОК ГЛАЗАМ



Красота окружающего мира – зелень деревьев, безупречность голубого неба и день, озаряемый лучами солнца. Порою от одного только созерцания природы поднимается настроение и радуются глаза. Зрение, как процесс восприятия окружающего мира, позволяет увидеть человеку красоту жизни, которую просто невозможно описать словами. Глаза, являясь связующим звеном между людьми и миром, подвержены ежедневной нагрузке, в связи с чем их природа становится очень уязвимой, а лечение, в силу тонкости и нежности самого органа, представляет собой невероятно сложный процесс. В работу зрения включены мельчайшие механизмы, сбой в работе хотя бы одного из которых нарушит целостность всей системы. Проявляя максимальную заботу о своих глазах, человек, тем не менее, должен помнить о том, что, при возникновении каких-либо нарушений зрения, всегда есть специалисты, готовые прийти на помощь. Их можно встретить в Республиканском специализированном центре микрохирургии глаза, с директором которого – Зафаром СИДИКОВЫМ – нам удалось побеседовать.

Мы пришли в РСЦМГ прохладным осенним утром. В приемной директора было много людей, среди которых как пациенты, пришедшие на консультацию, так и сотрудники центра. Работа кипела, несмотря на ранний час. Зайдя в кабинет к Зафару Сидикову, мы сразу окунулись в повседневную работу специалиста и наблюдали процесс осмотра маленькой девочки с нарушенным зрением в результате травмы. Воспользовавшись щелевой лампой (современным аппаратом, стоявшим в другом конце кабинета), директор осмотрел глаза маленькой пациентки и отпустил ее, дав соответствующие рекомендации. В процессе нашего с ним общения раздавались регулярные телефонные звонки, которые и побуждали начать наш разговор со следующего вопроса:

– Зафар Умарович, в чем заключается операция, на которую Вас вызывают сейчас?

– Операция, которую мне предстоит сейчас сделать, очень сложна, и сам больной находится в сложном состоянии. После проведенной операции глаукомы, у него образовались спайки, и я сейчас буду вставлять ему в глаз ис-

мо этого, у нас очень большая конкуренция. Офтальмология, куда ни кинь взор, встречается повсюду в лице частных офтальмологических клиник, которые, следует отметить, оказывают довольно-таки неплохое лечение. Выдержать такой напор конкурентов, не растеряв своих пациентов, зависит полностью от нас. То, чем мы, будучи государственным учреждением, можем их привлечь – это качественное лечение и сервис высокого уровня. Именно это мы и предлагаем обращающимся к нам людям. У нас обширные знания в своей области, высококвалифицированный персонал. Мы



Проведение операций на переднем и заднем отрезках глаза стало возможным благодаря современному лазерному аппарату.



Правильное и эффективное применение современного офтальмометра требует от специалиста опыта и ответственности.

перечень категорий которых был утвержден указом Президента. Для доступа к лечению за счет государства пациент должен предоставить документ, подтверждающий его категорию, иметь ордер. Ордера, что немаловажно, изготавливаются со степенями защиты, которые невозможно подделать. Только при наличии таких ордеров мы принимаем больных. Что касается характера пациентов, то все они очень грамотные. Приходя к нам, их подготовленность и осведомленность о своем заболевании проявляются налицо. Они не приходят к нам с жалобой на по неизвестной причине плохо видящий глаз, а конкретно с жалобами на катаракту, например. Приходя за лечением, они интересуются методами, которые мы можем предоставить, выбирают. Такая грамотность пациентов очень нас радует, облегчает нам работу, освобождая от лишних объяснений. На сегодняшний день наиболее распространенное заболевание, с которым обращаются люди, – это устранение слепоты, возникающая вследствие помутнения хрусталика. При этом заболевании раньше мы делали большой разрез, затем ставили швы, снимали их. В конечном итоге, зрение улучшалось, но это был долгий и мучительный процесс. Сегодня же мы являемся единствен-

ной государственной клиник, применяющей ультразвуковое удаление катаракты. Мы уже не ставим шов, а путем инжектора через разрез размером всего в 3 мм имплантируем интраокулярную линзу.

– Проведение описываемой Вами операции, бесспорно, требует высококачественного медицинского оборудования?

– Вы правы, в целом современная офтальмохирургия – это минимальный перечень необходимого диагностического оборудования, и он у нас есть. Все операции должны проводиться под микроскопами хорошего качества, и они у нас тоже есть,

кадров. Как много специалистов работает в центре?

– У нас работает около 33 врачей, в числе которых 1 доктор и 5 кандидатов медицинских наук. У нас проходит обучение 1 ординатор, а также большое количество молодых врачей, которых мы готовим себе на замену. На нашей базе обучается группа магистров ТашТМИ – будущие офтальмологи, которых мы учим самым современным технологиям. У нас работают около 14 хирургов, которые ежедневно делают примерно до 30 операций в день. Я сам очень люблю свою работу и стараюсь не пропускать операции.

После очередного телефонного звонка, вызывающего на операцию, Зафар Умарович удалился, поручив нас заведующему организационно-методическим отделом Дильшоду Абдиназарову. Первой остановкой стала поликлиника. Очень уютная обстановка в коридоре слабо напоминала медицинское учреждение – настолько спокойно себя чувствуешь в стенах здания. Картины и телевизор на стене создают ощущение спокойствия, и волнение, с которым пациенты приходят, немного затихает.

Активная работа кипела и в поликлинике. Пациенты ожида-

● Республиканский специализированный центр микрохирургии глаза создан в марте 2003 года.

● С 2003-2009 гг. прооперировано свыше 25 тысяч больных, более 150 000 прошли осмотры в консультативной поликлинике.

● Центр состоит из администрации, организационно-методического отдела, консультативно-диагностического отделения с кабинетом лазерного лечения и охраны зрения детей, операционного блока, отделения рефракционной хирургии, оптики и аптеки.

● Стационар РСЦМГ рассчитан на 50 коек.



Опытный специалист проводит обследование пациентки с использованием щелевой лампы.

кусственный хрусталик.

– Руководство центром такого масштаба, безусловно, очень сложная работа. Какие трудности встречаются на Вашем профессиональном пути?

– Прежде всего, руководитель решает организационные вопросы, в частности, связанные с приобретением высокотехнологического оборудования. В условиях самофинансирования, оптимизации менеджмента, рынка услуг и экономического кризиса эта задача усложняется вдвое. Долгое время мы занимались закупкой оборудования и со временем достигли данной цели. Поми-

постоянно работаем над собой и своей деятельностью, стремясь достичь того, чтобы жители Узбекистана не нуждались в поездке за рубеж для лечения того или иного заболевания зрения, чтобы все необходимое они могли найти здесь. – Без помощи государства на начальном этапе мы бы не смогли достичь того уровня, на котором находимся сейчас.

– Расскажите об обращающихся к Вам пациентах и наиболее часто беспокоящих их заболеваниях.

– На сегодняшний день 21% больных лечится за счет государственного бюджета. Они принадлежат к разряду льготников,

привезенные из Германии, Японии, Бразилии и других стран мира. Сегодня золотой стандарт лечения катаракты внедрен широко во всем мире, и операции производятся не только тем, кто за них платит, но и льготникам. Процент вылеченных таким способом людей вырос до 50%. Помимо оборудования, наш успех зависит от подготовки кадров. Мы подготовили наших специалистов, и уже 90% врачей владеют этой технологией. За годы существования центра мы подготовили много специалистов за рубежом, в частности Америке, Финляндии, Казахстане, Бельгии, Российской Федерации. Мы участвуем на съездах, идет бурный обмен опытом. Дело в том, что медицинские технологии развиваются колоссальными темпами, и если вдруг упустить хоть какую-то мелочь, то останешься на обочине прогресса.

– Вы упомянули вопрос

ли своей очереди внутри кабинетов и в коридоре, а врачи, в свою очередь, очень терпеливо, аккуратно и быстро осматривали их. Особое внимание следует уделить аппаратуре, которую используют врачи при осмотре. Оперативная и ловкая работа на столь сложных, на первый взгляд, приборах умело выполняется руками специалистов. Наблюдая за их работой, мы не упускаем случая побеседовать с Шахидой Муслимовой – одной из пациенток, ожидавшей своей очереди:

– Я прихожу сюда уже не в первый раз, потому что, к сожалению, имею проблемы со зрением. О другом лечебном учреждении, в котором можно было бы обследовать мои глаза, я даже не думаю, так как, на мой взгляд, никакое учреждение не сравнится с РСЦМГ. (Окончание на 4-й стр.).

Медицинские учреждения страны

ЛУЧ СВЕТА В ПОДАРОК ГЛАЗАМ

(Окончание.

Начало на 3-й стр.)

Нам, пациентам, очень важно отношение со стороны врачей.

больной видит их, он нажимает на кнопку, оповещающая нас об этом. Далее данные переводятся на экран компьютера, после

ным, в день проводится в среднем около 30 операций. Сложнейшие операции, направленные на излечение тяжелых заболеваний, благодаря техническому оснащению, проводятся очень быстро, качественно и максимально безболезненно. За годы работы РСЦМГ достиг прогресса в сфере офтальмохирургии. Были внедрены новые методы фактоэмulsификации для удаления различных видов катаракт с имплантацией разных моделей ИОЛ, также мультифокальных ИОЛ, операции кератопластики при различных патологиях роговой оболочки, где производится замена помутневшей роговицы на донорскую, была начата витреоретинальная хирургия с эндолазеркоагуляцией сетчатки,

позволяющая лечить патологии стекловидного тела, сосудистой патологии и сетчатки при заболеваниях сахарного диабета, а также современные

столько плотный график операций.

Затем нас проводили в стационар – пункт, в котором проходят реабилитацию люди,



Ультразвуковое исследование глаз позволяет наблюдать и их работу.



Офтальмологи умело применяют проектор знаков, исследуя остроту зрения пациента.

Мы можем не понимать каких-то медицинских терминов, хотим вникнуть в суть своей болезни. Врачи здесь терпеливо объясняют и отвечают на все вопросы, которые мы им задаем. Я очень довольна и благодарна им.

В завершении осмотра поликлиники, мы зашли в последний кабинет, в котором за массивным аппаратом трудится очень молодой специалист. На нас произвело впечатление то, как начинающие специалисты умело владеют навыками использования столь сложной аппаратуры. Из разговора с ним мы узнали следующее:

ПАК Евгений, врач-офтальмолог:

– Аппарат, при помощи которого я прохожу сейчас обследование пациентки, называется компьютерным периметром. Больной садится и кладет голову в специальное место, затем начинается предъявление стимулов. Если

чего уже делается вывод. Этот аппарат, да и все оборудование в целом, на первый взгляд являюсь сложными, но при наличии интереса к своей работе и стремления к познанию глубин науки, освоение аппарата становится вполне реальным. Мне нравится здесь работать, потому что возможности, представленные в этом центре для специалистов, очень высоки. Пожалуй, такого опыта работы я бы не смог набрать нигде больше.

Следующей остановкой стала операционная, в которой активно работают хирурги. Согласно предоставленным дан-



Врач-офтальмолог исследует поле зрения методом компьютерной периметрии.

Трехчасовое знакомство с Республиканским центром микрохирургии глаза оставило массу приятных впечатлений. Поразили слаженная и добросовестная работа специалистов, бурный наплыв пациентов, современный уровень оснащения медицинским оборудованием, уютная и теплая обстановка в здании. В качестве заключения хочется сказать, что человек, даже в случае очень заботливого отношения к своему здоровью, не застрахован от болезней. Заболевания органов зрения, порой начинающиеся незаметно и безобидно, могут привести к длительному лечению и не всегда благоприятным последствиям. После посещения Республиканского специализированного центра микрохирургии глаза у нас сформировалось чувство спокойствия и надежности за свое зрение, которое, даже в случае каких бы то ни было нарушений, всегда будет исправлено руками таких квалифицированных специалистов.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

Автор фото Сабир МАДЖИДОВ.

Новости

ПРАЗДНИК ДЕТСТВА

Недавно в парке культуры и отдыха "Гульшан" состоялся 5-й Фестиваль творчества детей, подростков и молодых людей с инвалидностью "Веселое лето – 2009", организованный Центром поддержки детей с ограниченными возможностями и их семей "Умидворлик" при содействии Хокимията и Районного управления внутренних дел Мирзо-Улугбекского района города Ташкента и финансовой поддержке ряда организаций, таких, как Программа профессионального менеджмента (A-Club), филиал JOINT в Узбекистане, программе "Гегель" филиала JOINT и т.д.

Данный фестиваль организовывается ежегодно в течение последних 5 лет, и его проведение со временем превратилось в добрую традицию. В этом году празднование фестиваля совпало с двойным праздником, который отмечается на территории нашей республики, – Днем независимости и юбилеем любимой столицы. Именно с этих поздравлений открыла конференцию директор Центра "Умидворлик" Марина Теперина.

Гости собрались в парке с целью сохранения творческих достижений детей, подростков и молодых людей с ограниченными возможностями, продемонстрированных ими на протяжении всего мероприятия. На фестивале была представлена экспозиция из рисунков, скульптур и аппликаций, сделанных руками ребят; был проведен концерт с исполнением песен, танцами, игрой на музыкальных инструментах. В завершающей части мероприятия организаторы устроили ребятам "Веселую эстафету", на которой они смогли поучаствовать в спортивных соревнованиях, проявить ловкость и умение работать в команде.

Главными участниками фестиваля стали представители Республиканского центра детского художественного творчества, Программы "Мир ребенка" филиала JOINT в Узбекистане, Детской программы узбекского общества инвалидов Юнусабадского района города Ташкента, организации помощи детям и подросткам с парализацией "УМР", Общества женщин и детей с инвалидностью "Она-сингиллар", "Родительский клуб" Чиланзарского района города Ташкента, и, конечно, Центр "Умидворлик".

Глядя на детей, принимавших активное участие в концертной программе, а затем и в спортивных состязаниях, на душе стало радостно от того, что они, несмотря ни на какие преграды, умеют сделать из жизни праздник, радоваться и наслаждаться каждому ее мгновению. От имени редакции газеты "Узбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" мы хотим пожелать каждому участвовавшему в фестивале ребенку и его семье здоровья, ибо оно, поистине, самое большое богатство.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Хабар

ТАРФИБОТНИНГ ЎРНИ МУҲИМДИР

Жорий йилнинг 8 сентябрида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ва 28-оилавий поликлиника ҳамкорлигида Тошкент шаҳар Ҳамза тумани "Беҳизор" маҳалла гузарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли ва 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ПҚ-1144-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Соғлом оила – тараққиёт пойдевори" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбасари Н. Раззоқова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда кейинги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида амалга оширилган таълимий хусусида тўхталди. Шунингдек, тадбирда мутахассислар мазкур Қарорлар ижросини амалга ошириш борасида юртимизда кенг қўлдан фаолиятлар олиб борилаётганлиги ҳамда аҳоли орасида таъшиқот ишлари мунтазам тарзда кучайтирилаётганлигини таъкидлашди.

Мазкур тадбирда кўтарилган асосий масалалар бўйича иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилиб, керакли тиббий маълумотларга эга бўлдилар.

Машраб ХОЛБОВЕВ.

МУСТАҚИЛЛИККА ТУҲФА

Булунғур туманидаги Чангалпоён маҳалласида янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Маҳалланинг 4 минг 500 нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишдан бу мўъжаз шифохона Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида чангалпоёнликларга ажойиб совға бўлди.

Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган саломатлик масканида айти кунда икки нафар малакали шифокор ва олти нафар ҳамшира аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундай тиббиёт масканининг республикамиз мустақиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида ишга туширилиши инсонлар саломатлиги йўлида қилинган муҳим қадамлардан бири бўлиб, бу эзгуликка йўғрилган савобли ишлардан биридир.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Самарқанд шаҳрида республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Республика репродуктив саломатлик маркази филиали ва «ЎЗБАТ» қўшма корхонаси ҳамкорлигида «Соғлом она – соғлом келажак» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда мутахассислар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликка эътибор қаратиш, соғлом авлодни баркамол ўстириш ва оила мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг бош омилли эканлиги тўғрисида маъруза қилдилар.

Ҳамза ШУКУРОВ.



Соғлом она – соғлом бола

I уч ойликда шифокорга мурожаат қилиш учун зарур бўлган хавфли белгилар:

- * Сўлак оқиши;
- * Кўп тақдорланувчи қайт қилиш;
- * Нафас олишнинг қийинлашуви;
- * Терида сариқ рангли аломатлар пайдо бўлиши;
- * Тери қичиши;
- * Ҳарорат кўтарилиши;
- * Қорин пастиди оғриқ;
- * Қиндан қонли ажралма келиши.

II ва III ойликда шифокорга мурожаат этиш учун зарур бўлган хавфли белгилар:

- * Ҳомила қимирлашининг тезлашиши, секинлашиши ёки бутунлай йўқолиши;
 - * Оёқлар ёки бутун танада, юз соҳасида тўсатдан шишинг пайдо бўлиши;
 - * Доимий бош оғриғи, кўриш қобилиятининг бузилиши, кўз олдининг қоронғулашиши, шунингдек, доғлар учгандек ёки чакнагандек бўлиб кўриниши;
 - * Эт увишиши ва тана ҳароратининг 38°C ва ундан ортиқ бўлиши;
 - * Ошқозон соҳасида оғриқ, кўнгил айниши ва қусишнинг пайдо бўлиши;
 - * Ҳуши йўқотиш;
 - * Шайтонлаш (талвасага тушиш);
 - * Нафас олишнинг қийинлашуви;
 - * Хаддан ташқари кўп ухлаш ёки уйқусизлик.
- Ҳомиладорлик ва туғруқ билан боғлиқ бўлган хавфли камайтириш учун оиланинг барча аъзолари (турмуш ўртоғи, қайнонаси ёки яқинлари) юқорида

қайд этилган хавфли белгиларни билмоқлари зарур.

Туғруққа тайёргарлик

Кишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникадаги аёллар маслаҳатхонасида ҳомиладор аёллар учун "Бўлажак оналар мактаби" деб номланган дарс машғулоти олиб борилади. Унда ҳомиладорликнинг ўтиши, овқатланиш, туғруқнинг энгил кечиши ҳамда кўнгилсиз асоратлар содир бўлганда қаерга ва қандай ёрдамга мурожаат қилиш ҳақида, шунингдек, туғруқдан кейинги даврда сиз учун фойдали бўлган маслаҳатлар – янги туғилган чақалоқни боқиб ва парвариш қилиш, қутилмаган ҳомиладорликдан сақланиш ҳақида маълумот бериб борилади.

Ҳар қандай ҳомиладорликда қаерда туғиш ва ким унга доялик қилиши кераклиги ҳақида тиббий ходимларнинг фикрини билиш зарурдир. Агар оиланинг туғруқ пайтида кўнгилсиз асоратлар бўлишига кўзи етса, у ҳолда туғувчи аёлни туғруқхонага олдиндан ётқизиш лозим. Ёки туғувчи аёлга ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатиш учун туғруқхонага яқин бўлган жойга вақтинчалик кўчиб ўтиш имконини яратиш керак.

Ҳозирги кунда туғруқ даврида ихтиёрингиз билан қариндошлар – турмуш ўртоғингиз, онангиз, қайнонагиз, онангиз ёки бошқа яқин инсонлар (дугонангиз, таниш ҳамшира ва ишонарли шахслар)нинг иштирок этишига рухсат берилади. Бундай дақиқаларда айнан кимни олдингизда бўлишини хоҳлайсиз – олдиндан чамалаб қилинг ва бу ҳақда шифокорингизга хабар беринг. Чунки сиз танлаган инсон билан

суҳбат ўтказиш ва уни шу вазифага тайёрлаш, зарур тадбирларни ўқитиш жоиз.

Туғруқхонага олиб бориш учун куйидагиларни тайёрлаб қўйинг:

- * Алмашув варақаси, паспорт.
- * Совун, тиш чўткаси ва пастаси, тароқ, сочиқ ҳамда бошқа зарур бўлган кундалик нарсалар.
- * Шахсий тозалик учун ишлатилмаган оқ суруп ёки доқа.
- * Тунги кўйлақлар (эмизиш учун қулай, олди очилмаган бўлсин), ички кийим, халат (фақат пахта таласи ва пахмоқдан бўлиши керак) ва шиппак.
- * Чақалоқ учун қалпоқча, кийимча, иштонча, пайпоқчалар (фақат пахта таласи ва пахмоқдан бўлиши керак).
- * Газсиз минерал ёки қайнатилган сув ҳамда мевалар пластик шишада.

Боланинг туғилиш жараёни туғруқ деб аталиб, нормал физиологик жараён ҳисобланади. Кориннинг пастки қисмида туғруқ дардлари (тўлғоқ) – мунтазам тутиб турувчи оғриқларнинг пайдо бўлиши – туғруқ бошлангандан дараж беради.

Туғруқ белгилари:

- * Тўлғоқ жадаллашади ва кучайиб боради.
- * Белда оғриқ ва оғирлик пайдо бўлади.
- * Бачадон йўлини беркитиб турган пушти ранг, ёпишқоқ, шиллиқ ажралмадан иборат тиккин чиқади.

Агар туғруқ дардлари ҳар 10-15 дақиқада такрорланиб турса, қонли ажралмалар келса ёки қоронғу сувлари кетса, дарҳол туғруқ муассасасига бориш керак. У ерда сизга турмуш ўртоғингиз, онангиз, қайнонагиз ёки бошқа яқин инсонлар (дугонангиз, таниш ҳамшира ва ишонарли шахслар)нинг иштирок этишига рухсат берилади. Бундай дақиқаларда айнан кимни олдингизда бўлишини хоҳлайсиз – олдиндан чамалаб қилинг ва бу ҳақда шифокорингизга хабар беринг. Чунки сиз танлаган инсон билан

фингиз, онангиз, қайнонагиз ёки онангиз мадад бериб туриши мумкин. Сиз ва яқинларингиз шифокор билан туғиш тадбирини келишиб олсангиз бўлади.

Туғруқнинг ўтишида 3 та давр рўй беради

Биринчи давр – бачадон бўйининг секин-аста очилиши. Бу уч давр ичда энг узок давом этувчиси ҳисобланади. Туғруқ дардлари аввалига ҳар 10-15 дақиқада тутиб туради, кейинчалик улар тезлашади ва кучаяди. Туғруқ дардлари тутганда бир маромда ва чуқур нафас олинг. Ўзингиз учун туғруқ фаолияти ривожланишига қулай бўлган ҳолатларни (тик туриш, ўтириш, ёнбошлаб ётиш, тиззаларда ёки чўқкалаб туриш) танланг.

Танангиз ҳаракатга эҳтиёж сезса, ўтирманг, хона бўйлаб юринг, чарчаганингизда ўтиринг ёки ётиб дам олинг. Кўмаклашиш учун келган турмуш ўртоғингиз ёки яқинингиз билан суҳбатлашинг. Туғруқ дардлари дастлабки тўлғоққа қараганда давомли ва оғирроқ кечади. Биринчи давр поёнида ҳомила пуфағи ёрилиб, қоронғу сувлари қин орқали чиқиб кетади, у баъзан томчилаб оқади, баъзан эса кучли оқим билан келади.

Туғруқнинг иккинчи даври – туғруқ дардларига тўлғоқлар – қориннинг пасткида ич бўшалишининг кучли қистовига ўхшаш сиқувчи оғриқлар ҳам қўшилиди. Туғишнинг учун қулай ҳолатларни (тик ҳолда, стулда ўтириб,



шерингизга суяниб, стулда орқа қилиб, шерингизнинг тиззаларига қўл тираб, ёстиққа таяниб) ўзингиз топинг.

Сиз баланд овозли йиғлашни эшитасиз – бу фарзандингизнинг овози! Киндик кесилиб (буни турмуш ўртоғингиз бажариши мумкин), чақалоқни артиб, қорингиз устига қўядилар. Бироз дам олгандан сўнг унинг ўзи кўкракни топиб эма бошлайди. Ўз сутингиз билан биринчи марта эмизиш фарзандингиз ва ўзингиз учун жуда фойдалидир.

